**Иқтисодиёт**

# ТАДБИРКОРЛАР ЯРИМ СОАТДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТМОҚДА



***Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ягона интерактив давлат хизматлари портали – my.gov.uzга интеграциялашган онлайн тизим орқали амалга оширилмоқда. Натижада шу пайтга қадар бу жараён икки иш кунини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда ярим соат кифоя қилмоқда.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ йўлга қўйилган янги автоматлаштирилган тизимдан шу кунгача 1 минг 644 якка тартибдаги тадбиркор, 1 минг 506 юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган анжуманда қайд этилганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг учта қонуни, Президентимизнинг 30 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 25 қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 январдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 17 мартдаги "Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, микрокредитлаш учун қамраб олинадиган шахслар орасида устувор контингентлар ҳисобланган ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд одамлар энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда микрокредитлар олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Янги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш механизми соддалаштирилди. Кредитлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллиги асосида берилиши кўзда тутилди, имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан олис ва бориш қийин бўлган, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлар аҳолиси учун энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 100 баробаригача миқдорда кредитлаш белгиланди.

Тадбиркорга 16 турдаги рухсатномани битта жойдан олиш имконини бераётган давлат хизматларини кўрсатувчи "ягона дарча" марказларида жорий йил сўнгига қадар яна 18 турдаги хизматни жорий этиш кўзда тутилмоқда. 2018 йил 1 январдан бошлаб "ягона дарча" марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қоғоз шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади.

Президентимизнинг шу йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тизими тубдан қайта ислоҳ этилиши белгиланди.

Эндиликда Палата томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсири ўрганилиб, хулоса берилади. Бу эса қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бизнес манфаатларининг инобатга олинишига хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

**Б.БОЗОРОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартиби тубдан такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги қайта кўриб чиқилиб, судьяларнинг хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини берадиган даражада, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва мақбуллаштирилди.

Бу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларнинг ўз хизмат бурчини садоқат билан, адолатли ва масъулиятли бажаришига чамбарчас боғлиқдир.

Жорий йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашувда муҳтарам Юртбошимиз томонидан аниқ кўрсатиб ўтилган суд тизимидаги жиддий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда олдимизга қўйилган вазифаларни тўғри ҳал этиш учун ҳар биримиз ишга бўлган муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз, шахсий масъулиятимизни кескин оширишимиз зарур.

Шу муносабат билан, Ҳаракатлар стратегияси ижросини самарали таъминлашда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини тўлиқ англаган ҳолда, биз – Ўзбекистон Республикаси судьялари:

**Биринчидан**, кундалик фаолиятимизда халқ билан бевосита юзма-юз, очиқ мулоқот шаклларини кенгайтирамиз, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаймиз ва ҳақиқатни қарор топтирамиз.

**Иккинчидан**, фаолиятимизни яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлаймиз, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқларни таг-томири билан бартараф этамиз, судни том маънода **"Адолат қўрғони"**га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз. Судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат берамиз.

**Учинчидан**, судда ишларни судьялик бурчимиз ва виждонимиз буюрганидек беғараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси, қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.

Ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда **онгимизда – адолат, тилимизда – ҳақиқат, дилимизда эса поклик** устувор бўлади.

**Тўртинчидан**, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча ислоҳотларни амалга оширишга барчамиз жиддий масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашамиз, энг асосийси, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтирамиз.

**Бешинчидан**, ҳар қандай ҳолатда одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга қодир, мустаҳкам иродали, ҳалол, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга судьялар таркибини шакллантирамиз. Бунга барчамиз бирдек масъулмиз.

**Олтинчидан**, судьялик – бу машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб ва юксак мақом эканлигини чуқур англаган ҳолда, судьялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга **"фавқулодда ҳолат"** сифатида қараймиз, адолатга хиёнат қилган ходимларга нисбатан муросасиз курашамиз ва сафларимиз софлигини таъминлаймиз.

**Еттинчидан**, судьялар касбий тайёргарлигини ошириш, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали иш юритиш тартибини соддалаштирамиз ва фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрамиз.

**Саккизинчидан**, суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида тизимли қонун бузилишларни аниқлаймиз ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидамиз, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлади.

Зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, халқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамёдимизга ҳамиша содиқ қолишга ваъда берамиз!

**Ўзбекистон Республикаси судьялари**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 6 июль*

# СУДЛАР "АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ"ГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Йиғилишда Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси У.Мингбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов, Судьялар олий кенгаши раиси М.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш борасида тарихий ўзгаришлар амалга оширилаётганидан кўзланган мақсад – жамиятимизда адолат, ҳақиқат ва қонун устуворлигини тўла таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилишга эришиш эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ушбу Фармонга мувофиқ фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Судларнинг жиноят ишларини қўшимча терговга қайтаришдек одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган амалиётига чек қўйилди.

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартиби тубдан такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги қайта кўриб чиқилиб, судьяларнинг хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини берадиган даражада, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва мақбуллаштирилди.

Кейинги пайтда Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг сезиларли қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу борада Олий судга кунига ўртача 250 дан ортиқ мурожаат келиб тушмоқда. Тадбирда ушбу мурожаатларни ҳал этишда вилоят, туман судлари сусткашликка йўл қўяётгани, айрим туман судлари мурожаатларни ҳатто очиб кўрмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Вилоят судлари раислари ҳафтада камида уч кун туманларга, жойларга чиқиб, судларнинг иш юритувини ўрганиши шарт экани, бундай ўрганишлар ҳар бир судларда ўтказилиши таъкидланди.

– Ҳозирги шиддатли давр талаби ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш учун кўпроқ халқ билан юзма-юз ва очиқ мулоқот қилишимизни тақозо этмоқда, – дейди ЎзА мухбирига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси Бахтиёр Исломов. – Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг бир мунча ишлар қилинганига қарамай, ҳали тўлақонли одил судловга эришганмиз, деб айтолмаймиз, буни фуқароларимиз ҳам ҳис қилиб турибди. Бугунги йиғилишда фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилганимиз суднинг том маънода "Адолат қўрғони"га айланиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Судда ишларни судьялик бурчимиз буюрганидек беғараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси – қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 13 июнда ўтказган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз суд тизимидаги мавжуд нуқсонлар ва уларнинг ечимини муҳокама қилиб, бу борада аниқ вазифаларни белгилаб бергани суд тизимида ишлаётган ҳар бир раҳбар ва ходимдан соҳа ривожига танқидий ёндашишни тақозо этиши, адолат ва қонун устуворлиги судьялар ишида бирон бир нарса билан ўлчаб бўлмайдиган энг муҳим мезон экани таъкидланди. Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда ўтказилган судлар фаолиятининг танқидий муҳокамаси, бу борадаги хулосалар, суд тизимида мавжуд бўлган нуқсонларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан белгиланган аниқ режа ва дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раисларининг ахбороти, вилоят судлари раисларининг ҳисоботлари эшитилди. Соҳадаги мавжуд аҳвол, муаммолар сабаблари ва уларнинг ечими танқидий таҳлил қилинди.

Бу борада Олий суд раёсатининг шу йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режаси амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур қарор билан суд тизимида зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. Унинг ижросига масъул бўлган Олий суд ишчи гуруҳлари тузилди. Мазкур дастурларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Судларда узоқ муддатлардан буён якуний ечимини топмай келаётган ишлар рўйхати тузилди, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Судларда ишларнинг камида 30 фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Олий суд раёсатининг "Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, услубий тавсиялар ва сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган ишлар рўйхати тасдиқланиб, барча судларга юборилди.

Олий суд ва вилоят судлари томонидан қуйи судлар иш юритувидаги мураккаб тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни олиб биринчи инстанцияда кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Иқтисодий судлар самарали қўллаб келаётган ишларни видеоконференцалоқа тизими орқали кўриб чиқиш амалиёти фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда маъмурий судларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Соҳадаги энг долзарб масала – фуқароларнинг судма-суд сарсон-саргардон юришининг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этишдан иборат. 2016 йилда Олий судда кўриб чиқилган 446 фуқаролик ишининг 390 таси (87 фоизи) яна қайта кўриб чиқиш учун қуйи босқичларга юборилган. Атиги 13 фоизи бўйича Олий судда якуний қарор қабул қилинган. Жорий йил июнь ойининг ўзида Олий судда 24 фуқаролик ишига якуний нуқта қўйилди, жиноят ишлари бўйича киритилган протестларни кўриш натижасида, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмагани учун 7 шахс оқланди, 4 нафари жазодан озод этилди, 2 нафарига нисбатан жиноят иши тугатилди, 17 шахсга нисбатан тайинланган жазо муддатлари камайтирилди.

Йиғилишда бу борада авваламбор янги таркибдаги Олий суд қатъият кўрсатиши лозимлиги таъкидланди. Қонуний ва адолатли қарор ҳеч қачон бекор бўлмаслиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев суд органлари ходимлари билан бўлган учрашувда ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, одил судловни рўёбга чиқаришда тўсиқ бўлаётган муаммоларни, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича белгилаб берган аниқ топшириқ ва вазифаларни мамлакатимизнинг судьялар ҳамжамияти атрофлича муҳокама қилди. Ўрганиш натижасида Ўзбекистон судьялари номидан бутун халқимизга мурожаат қилишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси К.Комилов мамлакатимиз судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаати ҳар бир судья иш фаолияти мобайнида оғишмасдан амал қиладиган қатъий мезон бўлиб қолиши таъкидланди. Ушбу Мурожаатнома юртимиздаги ҳар бир суд биносига киришда, кўзга яққол кўринадиган жойда ўрнатилади. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан муҳрланган қутилар ўрнатилади.

Суд биносига кираётган ҳар бир юртдошимиз Мурожаатнома билан яқиндан танишиб, адолатли суд қандай бўлиши кераклиги ҳақида аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлади. Бинодан чиқаётганда ҳар бир фуқаро судьяларнинг фаолиятига, уларнинг Мурожаатномада зиммасига олган мажбурият ва масъулиятни қандай бажараётганига муносабат билдириш ва ўз муносабатини ёзма равишда қутиларда қолдириши учун имконият яратилади.

Қутилар ҳар ойда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ва Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокида очилади ҳамда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар томонлама ўрганилади. Жойларда ҳар бир судьянинг ишига ана шу таҳлил асосида баҳо берилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг янги тизими: мақсад ва вазифалар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Президентимизнинг жорий йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, фаолият йўналиши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи ташкилот сифатида қайта ташкил этилиши яратилаётган янги тизимга асос бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда Савдо-саноат палатасининг ваколат ва имкониятлари тубдан қайта кўриб чиқилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклифлар бериш, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ноаниқлик ва турлича ёндашувларни бартараф этиш юзасидан ёзма сўровномалар юбориш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларига таклиф киритиш каби муҳим масалаларда қўшимча ваколатлар юклатилди.

Депутатлар Савдо-саноат палатасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тўғрисида хулоса бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланиши қабул қилинаётган ҳужжатларда бир-бирини такрорловчи, зид талаблардан келиб чиқадиган, тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил қилишга тўсқинлик қиладиган расмиятчилик ва қоғозбозлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилишини қайд этди.

Тадбирда мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, саноат салоҳиятини ошириш, корхоналарнинг экспорт қувватини кучайтириш, маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш борасида банклар, бозор инфратузилма ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

***Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 19-мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан "Экологик муаммоларни бартараф этишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни" мавзуида тадбир ўтказилди.***

Тошкент шаҳридаги Яшнобод тумани Ўрта масжид маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсири олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ва Ўзбекистон Республикаси "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни талабларининг ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакилларининг ахбороти тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар иштирок этди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида экологик хавфсизликни таъминлашнинг тизимли ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари яратилгани таъкидланди. Иқтисодиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш борасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинишини таъминловчи ҳамда қонунчиликнинг кўпгина тармоқлари ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида экологик қонунчиликка алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. Тадбирда маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсири олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилиб, мавжуд экологик масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

Ёз – 2017

***Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, эришилган ютуқларнинг аҳамиятини меҳнаткашлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.***





Бугун давлат мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирланаётган жонажон Ўзбекистонимизда ёз фасли ҳукм сурмоқда. Бу фасл болажонлар учун ниҳоятда қувончли даврдир. Зеро бу давр болаларнинг ўз қобилиятларини янада тўлиқ намоён этиши учун катта имконият яратади, ўқув йили давомида фанларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган жисмоний, ақлий ва руҳий-эмоционал зўриқишларни бартараф қилади, янги ўқув йилига яхши тайёргарлик билан келишларини таъминлайди.

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларни ёзги таътил мавсумини самарали ва мазмунли ташкил этиш, болажонларнинг таътил даврида мароқли ҳордиқ чиқариб мактаб қучоғига бир олам таассуротлар билан қайтиши учун барча шарт-шароитлар яратилиб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, иқтидорли ўқувчиларнинг истеъдодини янада ривожлантириш, дунёда бўлаётган воқеа ва жараёнларга ўз муносабатларини аниқ билдира оладиган, мустақил фикрига эга, ватанпарвар ҳамда халқимизга садоқатли фарзанд этиб тарбиялаш мақсадида улар учун ёзги интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилмоқда.

Ёзги интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳларига мамлакатимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, етакчи олий таълим муассасаларининг энг илғор профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда махсус дастур асосида машғулотлар, фан кечалари, викториналар, мушоиралар, турли танлов ва мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

Маълумки, ёзги оромгоҳлар ўз фаолият йўналишлари бўйича узлуксиз таълим тизимининг мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларнинг техник ижодиёт, бадиий ижодиёт ҳамда ўлкашунослик ва сайёҳлик таълимини ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи ва мужассамлаштирувчи муассасалар ҳисобланади. Ёзги мавсум давомида болаларнинг ўз қизиқишларига кўра ихтиёрий равишда қисқа муддатли тўгаракка қатнашишлари учун имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 майдаги Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингини таъминлаш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг "2017 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги йиғилиши қарори баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тизимли назорат ўрнатилган.

Шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши билан ҳамкорликда "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамияти, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги шаҳар бошқармаси ва Давлат санитария ва эпидемиология назорати бошқармаси, "Дори-дармон" бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва бир қатор бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммаларига амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

2017 йил ёз мавсумида 27 минг 760 нафар болалар шаҳар ташқарисидаги 25 та стационар оромгоҳларда *4 та мавсум давомида* дам олдирилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг фарзандларидан 1700 нафарининг соғломлаштирилиши ҳам режалаштирилган. Оромгоҳларда *ҳар бир навбат 12-15 кундан бўлиб, охирги мавсум 28 августда якунланади.*

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мавсум ташкилотчилари ва оромгоҳларга жалб этиладиган ходимлар учун таътил бошлангунга қадар "Сокол" оромгоҳида ўқув-амалий семинар ташкил этилиб, унда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш ҳамда ўтказиш ишларининг сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Яъни, касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари томонидан иштирокчиларга мавсум давомида барча турдаги болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, болаларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли дам олишларини таъминлаш йўналишларида устувор бўлган масалалар, айниқса, оромгоҳларда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз равишда етказиб бериш билан бирга уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, оромгоҳларда фаолият кўрсатиш учун ҳар бир соҳадан малакали ходимларни жалб этиш йўналишларида тегишли тавсиялар берилган. Бугунги оромгоҳлар фақатгина соғломлаштириш масканлари эмас, балки ўғил-қизларни интеллектуал ривожлантириш марказларига айланиши зарур эканлиги таъкидланиб, бу йил стационар оромгоҳ бир қатор ихтисослашган йўналишларда ташкил этилиши тушунтирилган. Ушбу йўналишлар бўйича қисқача маълумот бериш лозим албатта.

**Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари**

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10 - 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилган бўлиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилишига эътибор берилади.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари интеллектуал ўқув машғулотлари ва маданий-маърифий тадбирлар дастурлари асосида фаолият кўрсатади.

**Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари**

Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари 8-18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар учун спорт йўналишидаги таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ўқув-машқ машғулотларини давом эттиришлари, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилади.

Спорт-соғломлаштириш оромгоҳларидаги ўқув-машқ машғулотлари болалар спорт мактабларида ўтказиладиган ўқув жараёнининг давоми бўлиб, мазкур муассасалар учун мўлжалланган дастурлар асосида мураббийлар томонидан олиб борилади.

## ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

**Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари**

Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7 - 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилади.

Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари стационар база асосида қурилган соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий туридаги мактаб-интернатлар, санаторий-профилакторийлар базасида, шунингдек ўрмон, дарё ва бошқа сув ҳавзалари ёнида жойлашган ҳамда етарли даражада кўкаламзорлаштирилган, фаолият юритиши учун зарур жиҳозлар билан таъминланган объектларда ташкил этилган.

**Ҳарбий-спорт оромгоҳлари**

Ҳарбий-спорт оромгоҳлари 12 - 17 ёшдаги болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни Ватан мудофаасига, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида ёзги таътил мавсумида ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун махсус дастур асосида ташкил этилади.

Ҳарбий-спорт оромгоҳларида вояга етмаганлар билан спорт машғулотлари, психологлар иштирокида семинар-тренинглар ва турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

**Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари**

Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳларида 7 - 14 ёшдаги болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишларининг серқирра турлари ташкил этилади, болаларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади.

Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳларида болалар учун сайёҳлик, ўлкашунослик, табиатшунослик ва экология йўналишларида тўгараклар ташкил этилади.

**Ихтисослашган болалар оромгоҳлари**

Ихтисослашган болалар оромгоҳлари 7 - 14 ёшдаги болаларда етакчилик ва фаолликни шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади.

Ушбу оромгоҳнинг фаолияти, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўқувчиларнинг таътил пайтида дам олишлари ва саломатликларини мустаҳкамлашни ҳамда уларга қўшимча таълим-тарбия беришга қаратилган.

**Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари**

Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 15 - 18 ёшдаги ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати дам олдириш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилишига йўналтирилади. Унда болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади, уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш оромгоҳни ташкил этишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ёзги мавсум давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кўп болали оилаларнинг фарзандларига, "Ногиронлар жамияти" ишчиларининг фарзандларига, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига имтиёзли ва бепул йўлланмалар берилиши ҳамда оромгоҳларнинг мавжуд базасидан самарали фойдаланиб, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларни 4-5 сменада ишлашини ташкил этиш режалаштирилган.

Тошкент вилояти Оқтош ҳудудидаги Хондайлиқ қишлоғида жойлашган "Ўзкабель" акциядорлик жамияти қўшма корхонаси тасарруфидаги "Зилола" болалар соғломлаштириш оромгоҳида Тошкент шаҳар Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг Бўстонлиқ туманидаги штаби тузилган ҳамда шаҳар Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг тезкор штаби фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда, пойтахтимизнинг турли соҳа ходимлари фарзандларини соғломлаштириш, жамоа шартномалари орқали уларни имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш борасидаги ишлар, давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги остида Оролбўйи болалари учун яратилаётган имкониятлар, оромгоҳларда ўтказилаётган турли акциялар доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болалар оромгоҳларда имтиёзли ва бепул дам олдирилмоқда.

Оромгоҳларда кўплаб тўгараклар фаолият юритмоқда ва у ерда кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар, масалан "Мустақиллик менинг тақдиримда" мавзусида адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар, "Соғлом бола – юрт келажаги" шиори остида турли спорт мусобақалари ҳамда болалар ўртасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар ва қўлга киритилган натижаларни акс эттирган "Бу менинг Ватаним!" мавзуидаги расмлар танловлари ўтказилмоқда.

Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг ўтаётган ҳар бир куни сермазмун, қизиқарли ва эсда қоларли бўлиши учун барча педагоглар ўз касб маҳорати ва малакасини намоён этган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилаётган "Мустақиллик менинг тақдиримда" ва "Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати" мавзусидаги маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, адабиёт ва санъат намояндалари, таниқли спортчилар билан учрашувлар, улар орқали болаларда келажакка интилиш, мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини оширишга йўналтирилган тадбирлар барча оромгоҳларда юксак савияда ўтказиб келинмоқда.

Ишонамизки, оромгоҳларда болажонлар мазза қилиб дам олиб, кучғайратга тўлиб, янги ўқув йилига бир олам таассуротлар билан қайтадилар.

**Дилшод АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари**

---

**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ САОДАТИ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллигини ошириш, иш билан таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини асраш, фан, таълим, диний маърифат ва маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган "Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий соҳалардаги фаоллигини таъминлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши" деб номланган матбуот анжуманида ҳам айнан шу хусусда сўз борди.

Президентимизнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 30 июнь куни "Камолот" ЁИҲ IV қурултойидаги нутқида ҳам Хотин-қизлар қўмитасига ёшлар билан ишлаш бўйича янги вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан оналар, аёллар, битирувчи қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг янгича механизми ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Анжуманда янгича механизм Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қандай ишлаётгани ва Қўмитанинг жорий йилга мўлжалланган давомли чора-тадбирларининг қай даражада амалга оширилаётгани, бугунги кундаги фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тизимнинг самарали ишлаши учун бугунги ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини кучайтириш борасида кенг миқёсда иш олиб борилмоқда.

– Юртимиз хотин-қизлари соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш билан бирга давлат ва жамият қурилишида иштирок этиб, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда, – дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Зебо Нурмонова. – Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад қўмита фаолияти ва истиқболдаги режаларидан жамоатчиликни хабардор қилиш ва бу йўналишда оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир. Зеро, давлат ва халқ ўртасидаги шаффофликни таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан шериклик ўрнатиш давр талабидир. Бундай ҳамкорликдаги тадбирлар режали ишларимизнинг изчиллик билан амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни янада жонлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, миллий урф-одатлар ва қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган иллатларнинг олдини олиш бўйича ижобий натижага йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Хотин-қизларимиз тараққиёт билан ҳамнафас бўлиши, фарзандларимиз бахтли бўлишлари учун ҳам бугун энг аввало барча ҳаракатларимизни, орзу-интилишларимизни шунга эришиш учун йўналтиришимиз даркор.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

